



O'ZBEKISTON OVOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2012-yil, 6-sentabr. Payshanba 108 (31.540) Ijtimoiy-siyosiy gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan www.uzbekistonovozi.uz

Муносабат

КАТТА ИШОНЧ, КАТТА КУЧ БИЛАН **юксак марралар сари**

«Қадрли фарзандларим, ҳеч қачон унутманг: Сиз кимнинг, қандай улуг зотларнинг авлодисиз! Сиз қандай ноёб ва бетакрор мерос ворисларисиз! Ўз куч-ғайратингиз, билим ва қобилиятингизга, буюк Ватанимиз қудратига суяниб, маррани баланд олинг, азиз болаларим! Сизнинг эришадиган ҳар бир ғалабангиз — юртимиз ғалабаси, Ўзбекистон ғалабасидир!»

(Давоми 2-бетда.)



Депутатлик гуруҳлари — электорат манфаати ҳимоячиси

Бошланғич ташкилот — асосий таянч

КИШИ ИШЛИ БЎЛСА

ўзи ва оиласи фаровонлигини таъминлайди, қобилияти, орзу-умидлари рўёбга чиқади

ПАРТИЯМИЗ ҲАРАКАТ ДАСТУРИДА ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИДА ЎЗХДП ЁЗЁВОН ТУМАН КЕНГАШИ ВА ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ ЗИММАСИГА ҚАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШГА КЎМАКЛАШИШ, ИККИНЧИ ЧОРАҚДА ЭСА АҲОЛИНИНГ БАНДЛИК ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВАЗИФАСИ ЮКЛАТИЛГАН ЭДИ. АММО ТУМАН ПАРТИЯ КЕНГАШИ ВА ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ БУ БОРАДА АМАЛИЙ ИШЛАР БИЛАН ШУҒУЛЛАНМАЯПТИ. → 2

ЭНГ ЯХШИ ТАШАББУС

қуйи бўғиндан чиқади

Сиёсий партия нафақат ҳаётини долзарб масалаларни илгари суриши, айна пайтда, уларни ҳал қилиш механизмини таклиф этиши ҳам керак. Бунинг учун, аввало, қуйи бўғинда иш тўғри ва тизимли ташкил этилиши, юқори партия ташкилотлари уларнинг ишини кучайтиришга асосий вазифаларидан бири сифатида қараши зарур. → 2

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!



«CHEVROLET COBALT»: ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

ПОЙТАХТИМИЗДА 5 СЕНТЯБРЬ КУНИ «GM UZBEKISTAN» КЎШМА КОРХОНАСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ЯНГИ «CHEVROLET COBALT» АВТОМОБИЛИНИНГ ТАҚДИМОТИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Тадбирда мамлакатимизнинг тегишли вазирлик ва идоралари, «General Motors» компанияси, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Тақдимот маросимда Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида асос солинган Ўзбекистон автомобилсозлик саноати истиқлол йилларида халқимизнинг улкан бунёдкорлик са-

да Жанубий Корея, АҚШ, Италия, Германия, Голландия каби мамлакатлар капитали ва технологиялари иштирокида ташкил этилган корхоналар бор. Бу корхоналарда энгил автомобиллар, автобуслар, юк автомобиллари ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқарилмоқда. Мамлакатимиз автомобилсозлари истеъмолчиларнинг талаб ва таклифларини инобатга олган ҳолда, уларни тақомиллаштириш, моделлари

турда ишлаб чиқарилади. «Cobalt» 1,5 литр ҳажмдаги тўрт цилиндрли, бензин билан ишлайдиган 106 от кучи қувватига эга ва 5 босқичли механик узатмали двигател билан жиҳозланган. 100 километрга тахминан 6,2 литр ёқилғи сарфлайди. Ривожланиб бораётган бозорларда бу автомобиль В туркумига кирувчи ягона модель бўлади. Бундан ташқари, унинг 6 босқичли автомат трансмиссияси ўрнатилган русумига ҳам буюртма бериш мумкин.

Беш киши учун мўлжалланган ушбу кенг салонли автомобиль йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида ён томонлари баланд анато-



лоҳиятининг рамзига айланган таъкидланди. Дунёнинг нуфузли компаниялари билан ўзаро тенглик ва манфаатли муносабатларни ўрнатишга асосланган бу борадаги ривожланиш стратегияси жаҳон стандартлари даражасида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилгандир. Юртимизда ишлаб чиқарилган автомобиллар нафақат мамлакатимиз, балки бошқа давлатларда ҳам харидорларнинг ишончини тўла қозонмоқда. Автомобилларимиз дунёнинг турли давлатларига экспорт қилинмоқда. МДХнинг 104 шаҳрида уларни сотиш бўйича дилерлик корхоналари фаолият кўрсатаётди. «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси ўз таркибида қарийб 40 компанияни бирлаштирган. Улар ораси-

турини кўпайтириш юзасидан мунтазам иш олиб бормоқда. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётганига қарамай, «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси ва «General Motors» корпорацияси яна бир янги русумдаги автомобиль ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. «Ўзавтосаноат» мутахассисларининг таъкидлашича, янги энгил автомобилнинг ишлаб чиқарилиши мамлакатимиз автосаноати янада изчил ва дадил ривожланаётганидан далolatдир. «Chevrolet Cobalt» — «General Motors» томонидан тобора тараққий этиб бораётган бозорлар учун махсус ишлаб чиқилган мутлақо янги русумдаги автомобилдир. Ушбу автомобиль тўрт

мик ўриндиқлар билан жиҳозланган. Автомобиль кондиционер, куйма дисклар, аудиотизим, хавфсизлик ёстиқчалари, электр кўзгулар ва автоматик трансмиссия билан жиҳозланган. «Cobalt» автомобилнинг ажойиб дизайни, замонавий хавфсизлик тизими ва бошқа юксак сифат кўрсаткичлари компанияга уни нафақат Ўзбекистонда, балки хорижда ҳам сотиш кўлами ва ҳажмини кўпайтириш имкониятини беради. Мутахассисларнинг фикрича, «Chevrolet Cobalt» харидорлар эътиборини тез қозонади. Ушбу янги моделни ишлаб чиқариш ҳажми йилга 120 мингдан ошади ва яқин вақт ичида у сотувга чиқарилади. Виктор НИКОЛАЕВ, ЎЗА мухбири

«O'zbekiston ovozi» сайтида ўқинг

Partiyalararo bahs: O'zLiDeP AMALIY VAHS YURITISHGA QIYNALAYOTGANGA O'XSHAYDI

www.uzbekistonovozi.uz



40-БУТУНЖАҲОН ШОҲМОТ ОЛИМПИАДАСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

→ 4

Депутатлик гуруҳлари — электорат манфаати ҳимоячиси

КИШИ ИШЛИ БЎЛСА

Ўзи ва оиласи фаровонлигини таъминлайди, қобилияти, орзу-умидлари рўёбга чиқади

ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ ВА ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚўМИТАСИНING РЕСПУБЛИКАНИ 2012 йилнинг биринчи ярмида ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯҚУНЛАРИ БЎЙИЧА МАЪЛУМОТИДА ҚАЙД ЭТИЛИШИЧА, 2011-2012 Ўқув йилида КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИНИ ТАМОМЛАГАН 501,5 МИНГ БИТИРУВЧИ «КОЛЛЕЖ-КОРХОНА» ТИЗИМИ БЎЙИЧА 92,9 МИНГТА КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТГА БИРИКТИРИЛГАН, 97,3 МИНГ НАФАР БИТИРУВЧИ БИЛАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ АМАЛИЁТИНИ ЎТАШ ВА КЕЙИНЧАЛИК ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЎЙИЧА УЧ ТОМОНЛАМА ШАРТНОМАЛАР ИМЗОЛАНГАН.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, хусусан, касб-хунардонларни битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Хар йили янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури қабул қилиниши бу борада муҳим аҳамият касб этапти.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастурида ҳам аҳолини, шу жумладан, касб-хунардонларни битирувчиларини эгаллаган мутахассисликларига мувофиқ иш билан тўлиқ таъминлаш борасида давлат ва ҳўжалик бошқаруви маҳаллий органлари ҳамда мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналарнинг масъулиятини ошириш муҳим вазифа этиб белгиланган.

Шундан келиб чиқиб, юқоридаги дастурнинг жойлардаги ижросини назорат қилиш, белгиланган кўрсаткичлар тўлиқ бажарилишига эришиш мақсадида ЎзХДП фаоллари қатор ташаббусларини илгари сурмоқда. Биз Фаргона вилояти халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашиларида фаолият кўрсатаётган ЎзХДП депутатлик гуруҳларининг бу борадаги ишлари билан қизиқдик.

— Депутатлик гуруҳларимиз яратилаётган иш ўринлари қоғозда эмас, амалда бўлиши учун қатъий назорат олиб бориб, бу борадаги камчи-

ликларни бартараф этишга қаратилган таклифларини сессия муҳокамасига олиб чиқаяпти, — дейди **вилоят партия кенгаши раиси Махмуджон Махкамов**. — Масалан, Бувайда ҳамда Кува туманларидаги депутатларимиз ташаббуси билан «Касб-хунардонларни битирувчиларини ишга жойлаштириш тўғрисида», Қўштепа туманида «Тумандаги касб-хунардонларнинг таълим-тарбия, маънавий-маърифий ишлар ва битирувчиларнинг ишга жойлаштирилишини ўрганиш натижалари тўғрисида», Тошлоқ туманида «Касб-хунардонларнинг таълим-тарбия, маънавий-маърифий ишлар қўлами ҳамда битирувчиларнинг ишга жойлаштирилиши ҳамда ижро интизоми тўғрисида»ги масалалар сессиялар кун тартибига киритилди.

— Йил бошида хар бир туман, шаҳар партия кенгаши ва депутатлик гуруҳлари янги иш жойларини ташкил этиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларни ўрганиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиққан эди, — дейди **вилоят партия кенгашининг аҳоли бандлиги ва ижтимоий сиёсат масалалари бўлими мудири Сардорбек Абдуллаев**. — Шунга мувофиқ, партия фаоллари ва депутатлардан иборат ишчи гуруҳлари жойлардаги аҳолини ўрганиб,

таҳлил этишди. Маълум бўлишича, ҳозир кичик корхоналарга битирувчиларни ишга қабул қилиш, касаначилик асосида аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қатор имтиёزلар яратилганига қарамай, бу имкониятдан кўпгина худудларда самарали фойдаланилмапти.

Халқ депутатлари Бувайда туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи йил бошида бўлиб ўтган сессия муҳокамасига касб-хунардонларни битирувчиларини иш билан таъминлашга доир таклифларини олиб чиқди. Сессияда бу борадаги хато ва камчиликларни ечиш бўйича қарор қабул қилиниб, мутасадди ташкилотлар раҳбарларига аниқ вазифалар қўлатилди.

Депутатлар сессия қарори устидан қатъий назорат олиб боришди. 2011-2012 ўқув йилида Бувайда туманидаги 6 та касб-хунардон коллежлари 3468 нафар йигит-қиз битирди. Аниқланишича, уларнинг 2327 нафари ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашди. 300 дан ортиқ битирувчининг иш жойи эса ҳали тўлалигича ҳал этилмаган. Тумандаги Агросаноат ва Қишлоқ-ҳўжалик касб-хунардон коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича бошқа камчиликлар ҳам аниқланди. Шу боис ЎзХДП депутатлик гуруҳи бу борадаги сустрасаларни бартараф этиш мақсадида қарор ижросини ўрганиш натижаларини яна сессия муҳокамасига киритиш бўйича таклиф тайёрламоқда.

Бир сўз билан айтганда, партияимиз депутатлик гуруҳлари ўз фаолиятида коллеж битирувчиларини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, Кува туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи томонидан жорий йилнинг ўзида 2 та масала сессия кун тартибига олиб чиқилди. Шунингдек, Олтиариқ, Тошлоқ ва Қўштепа туман кенгашиларидаги депутатларимиз ташаббуси билан шу билан боғлиқ масалалар тегишли доимий комиссиялар йиғилишларида муҳокама қилинди.

Бироқ ҳамма туманларда ҳам иш бир маромда кетаяпти, деб бўлмайди. Айрим худудлардаги партия фаоллари ва депутатлар аҳоли бандлигини таъминлаш, электорат вакиллари ўз мустақил ишини бошлашига кўмак бериш билан боғлиқ масалаларга лоқайд қараб келмоқда. Битирувчиларни иш билан таъминлаш давлат миқёсида муҳим вазифа ҳисобланаётган бир пайтда, бу каби сустрасаликлар билан муро-са қилиб бўлмайди.

Партияимиз Ҳаракат дастурида жорий йилнинг биринчи чоррагида Езёвон туман партия кенгаши ва депутатлик гуруҳи зиммасига касб-хунардон коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга кўмаклашиш, иккинчи чоррада эса аҳолининг бандлик даражасини ошириш масалаларини ўрганиш вазифаси юклатилган эди. Аммо туман партия кенгаши ва депутатлик гуруҳи бу борада ҳеч қандай амалий иш қилмади. Туман Кенгашига партияимиздан сайланган 19 нафар депутат ўз куч ва имконияти, ваколатидан етарли фойдаланилмапти.

Битирувчиларни иш билан таъминлаш, аввало, уларнинг ижтимоий фаоллиги ошиши, ўз олдига аниқ мақсад қўйиб, астойдил меҳнат қилишига олиб келади. Бу ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишида муҳим аҳамиятга эгадир. Шу боис, маҳаллий партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларимиз бу борадаги фаолиятини кучайтириши, партия дастури билан боғлиқ масалаларга масъулият билан ёндашиши зарур.

Лаизза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Бошланғич ташкилот — асосий таянч

ЭНГ ЯХШИ ТАШАББУС

қуйи бўғиндан чиқади

СИЁСИЙ ПАРТИЯ ЖАМИЯТДА ЎЗ ТАЪСИР КУЧИГА ЭГА БЎЛИШИ УЧУН БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРИ ИМКОНИЯТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШИ ЗАРУР. ШУ БОИС ҚУЙИ БЎҒИН ФАОЛИЯТИНИ ИЗЧИЛ КУЧАЙТИРИБ БОРИШ ПАРТИЯ ОЛДИДАГИ ДОЛЗАРБ ВАЗИФА БЎЛИБ ҚОЛАВЕРАДИ.



Хозирда Гулистон шаҳрида ЎзХДПнинг 53 та бошланғич ташкилоти мавжуд. Улар 1363 нафар аъзони бирлаштирган. ЎзХДП Марказий Кенгаши томонидан бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қилинаётган саъй-ҳаракатлар, вилоят партия кенгаши-

нинг жиддий эътибори туфайли уларнинг фаолияти кучаймоқда.

Айниқса, маҳаллаларда ташкил этилган худудий ташкилотлар ижтимоий масалаларни ўрганиб, уларнинг ечими юзасидан маҳаллий Кенгашилардаги депутатлик гуруҳлари билан яхши ҳамкорлик қилаёпти.

— Хар бир тадбирни ўтказишга пухта ҳозирлик кўраёلمиз, — дейди **худудий ташкилот етакчиси Махмуд Зенов**. — Чунки, бугун умумий ва юзак фикрлар билан ҳеч кимнинг эътиборини тортиб бўлмайди. Одамларимизнинг ҳаётга қарши ўзгариб, фаоллиги ошган. Шунинг учун партиявий мавзулардаги тадбирларимизни аввало аниқ мақсадга йўналтиришга, уларда муайян ижтимоий-иқтисодий масалаларни муҳокама қилиб, амалий таклифларни шакллантиришга эътибор қаратаёلمиз. Аммо, тан олиш керак, бу борада камчиликлар ҳали кўп. Уларни бартараф этишда шаҳар партия кенгаши, партияимиз депутатлик гуруҳининг ёрдами зарур.

— ЎзХДП мамлакатимиздаги бошқа сиёсий партиялардан фарқли равишда маҳаллаларда ўз электорати қандай яшаётгани, уларни ўйлантираётган масалаларни ўрганиш, айлани пайтда, депутатлари орқали мавжуд муаммоларни ҳал этишга ҳаракат қилади, — дейди **маҳалла фаоли Абдуғаффор Жабборов**. — Айни шу жиҳат ЎзХДП фаолиятининг ҳаётлигини таъминлашда, фуқаролар ишончини қозонишда муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлайман. Шу боис партияга аъзо бўлиб, худудий ташкилот ишини кучайтиришга қўлимдан келганча ёрдам бермоқчиман.

Сиёсий партия нафақат ҳаётий долзарб масалаларни илгари суриши, айлани пайтда, уларни ҳал қилиш механизминини таклиф этиши ҳам керак. Бунинг учун, аввало, қуйи бўғинда иш тўғри ва тизимли ташкил этилиши, юқори партия ташкилотлари уларнинг ишини кучайтиришга асосий вазифалардан бири сифатида қараш зарур.

Сайфулла ЭШБОБОВ,
ЎзХДП фаоли.

КАТТА ИШОНЧ, КАТТА КУЧ БИЛАН

Юксак марралар сари

Мамлакатимиз Президенти Мустақиллигимизнинг йигирма бир йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида биз ёшларга мурожаат қилганида вужудим титраб кетди.

Юртбошимизнинг юрагидан тошиб чиққан меҳрли сўзлардан қалбимиз қувончга тўлди. Айни пайтда навқирон авлод зиммасига катта масъулият юкланаётганини яна бир бор чуқур ҳис этдим.


Дунёнинг кўпгина давлатларида ижтимоий-иқтисодий беқарорлик туфайли нотинч ва мураккаб вазият юзага келаётгани ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали кўриб, эшитиб турибмиз. Шундай даврда юртимиздаги тинчлик ва оқойишталикни таъминлаш, одамларимиз орзу-ниятга эришиш йўлида хотиржам меҳнат қилиши учун шартин яратиш ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ, албатта.

Айниқса, ёшлар хар бир соҳада халқро талаб ва меъёрлар даражасида билим эгаллаши, ўз қобилиятини рўёбга чиқариши учун барча имконият етарли. Энг олис туман ва қишлоқларда ҳам замонавий ўқув бинолари, спорт иншоотлари барпо этилмоқда. Давлатимиз ёшларни хар томонлама

қўллаб-қувватлашга доимий эътибор қаратиб, юксак гам-хўрлик кўрсатаёпти. Юртимиз ёш авлодининг бир вакили сифатида бундан фахрланаман.

Мана шундай тинч, фарзандларига меҳрибон юртда ўқиб, билим олаётган, меҳнат қилаётган хар бир ёш ўзини бахтиёр сезади. Давлатимиз мустақил тараққиёт йўлида юксак натижаларга эришиши, дунёнинг етуқ ва ривожланган мамлакатлари сафидан мустаҳкам ўрин эгаллаши учун ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишга интилади.

Партияимизнинг «Истиқбол» ёшлар қаноти амалга ошираётган кўлаб лойиҳалар ҳам ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш, ислохотлар жараёнида фаол иштирокини таъминлашга қаратилмоқда. Наманган вилоятида 10 минг нафардан ортиқ йигит-қиз сафимизга бирлашган. Фуқаролик жамияти институтлари, корхона-ташкилотлар, олим ва мутахассислар иштирокида ёшларда мустақил фикрлашни шаклланти-



риш, уларнинг давлат ва жамият ҳақидаги билимини ошириш билан боғлиқ долзарб мавзуларда ўқув машғулотлари, семинар-тренинг ва давра суҳбатларини мунтазам ташкил этиб келаялмиз. Мақсади-миз — ёшлар ҳаётда ўз ўрнини топиши, қобилиятини рўёбга чиқаришига кўмаклашишдан иборат.

Президентимизнинг табрик сўзини, хусусан биз ёшларга мурожаатини тинглаб, бу борадаги ишларимизни тубдан такомиллаштириш зарур деган хулосага келдим. Зеро, Ватанга муносиб фарзанд бўлиш, билдирилган юксак ишонч-ни оқлаш биз ёшларнинг бурчимиздир.

Аброр СОБИРОВ,
ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Наманган вилоят бўлими етакчиси.

ЎзХДП: электорат манфаати

МЕҲР-МУРУВВАТ

инсонни улуғлайди, кўнглини тоғдек кўтаради, ҳаётга муҳаббатини оширади

ЎзХДП ОЛМАЗОР ТУМАН КЕНГАШИ ТАШАББУСИ БИЛАН ХУДУДДАГИ 1-СОНЛИ МУРУВВАТ УЙИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИ УЧУН МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 21 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН БАЙРАМ ТАДБИРИ ЎТКАЗИЛДИ. УНДА ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИ, ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИ ВА ҲОМИЙ ТАШКИЛОТЛАР ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.



— Бу ерда 40 нафар тажрибали педагог-психолог 300 нафардан зиёд жисмоний имконияти чекланган, тақдир ҳужми билан ногирон бўлиб туғилган болажонларга таълим-тарбия беришга, — дейди **Мурувват уйи директори, ЎзХДП фаоли Татьяна Саидова**. — Муассасамизда уларнинг яхши билим олиши, ўз имкониятларидан келиб чиқиб, хунардонлигини ва спорт билан шуғулланиши учун барча шартин яратилган. Замонавий спорт мажмуаси, компьютерлар билан таъминланган ва интернет тармоғига уланган ахборот-ресурс маркази ўқувчилар ихтиёрида. Энг муҳими, уларда ҳаётга бўлган муҳаббат, эртанги кунга ишонч бор. Партияимиз туман Кенгаши ҳамкорликда ўтказилаётган бугунги тадбир тарбияланувчилар кўнглини кўтариши, уларни доимо ёниб, интилиб, яратиб яшашга ундаши билан қимматлидир.

— Жисмоний имконияти чекланган кишиларга ёрдам бериш, иш билан таъминлаш, бир сўз билан айтганда, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш партияимиз Дастурида белгиланган асосий

вазифалардан ҳисобланади, — дейди **ЎзХДП Олмазор туман кенгаши раиси Камолитдин Ақромов**. — Шу боис мажкур Мурувват уйида турли тадбирлар, учрашувлар ва байрам кечалари ташкил этиб келамиз. Бу эса болаларга қувонч улашиш билан бирга, уларнинг соғлом фикрлаши, дилларида «Мен ҳам ўз меҳнатим, интилим билан Ватаним ривожига ҳисса қўша оламан», деган эъгу тушунчалар мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

Бу каби тадбирларни туманимиздаги 106-сонли мактаб-интернат ҳамда 24-Меҳрибонлик уйида ҳам ўтказишни режалаштирганмиз.

— Бугунги байрам менга жуда ёқди, — дейди **Мурувват уйи тарбияланувчиси Умид Баҳодиров**. — Уртоқларим билан мазага қилиб рақсга тушидик, турли ширинликлар, музқаймоқ едик. Тадбирга совға қилиб шеър ёздиқ келдим. Уни ҳаммага ўқиб бермоқчиман.

Тадбир сўнггида болажонларга ҳомийлар томонидан байрам совғалари топширилди.

Нурали ОРИПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Куч — билим ва тафаккурда

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ДУРДОНАЛАРИНИ

ИНГЛИЗ, ФРАНЦУЗ ТИЛЛАРИГА ТАРЖИМА ҚИЛИШНИ ИСТАЙМАН. — ДЕЙДИ 2011-2012 ЎҚУВ ЙИЛИДА ЎЗБЕКISTОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ СТИПЕНДИАСИ СОҲИБИ ҲАФИЗА АЛЛАНАЗАРОВА

У шу йил Ўзбекистон Миллий университети хорижий филология факультетини лингвистика (инглиз тили) мутахассислиги бўйича магистратурасини тугатди. Айни пайтда университетнинг инглиз тили фонетикаси ва грамматикаси кафедраси ўқитувчиси. Ўқиш даврида йигирмадан ортиқ илмий мақола ва тезислар билан илмий-амалий анжуманларда фаол қатнашди. Инглиз, француз, грек ва форс тилларини пухта ўрганди. Кўзи ожиз талабаларга чет тилини интенсив даражада ўқитиш қўлланмаси, «Ўзбек тилидан инглиз тилига бадий таржимада прагматик ва герменевтик аспектларнинг хусусиятлари» мавзуси асосида илмий изланишлар олиб борди.

Этирдди. Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романини инглиз тилига ва француз адаби Марк Левининг сара асарларини она тили-

мига таржимасини ният қилган. — Китобхонларимиз Уильям Шекспир, Виктор Гюго каби буюк адибларнинг асарларини севиб ўқишди, — дейди Ҳафиза. — Ўзбек адабиётининг еркин намоёндалари асарларини ҳам чет эллик китобхонлар шундай севиб ўқишларини истайман. Шу боис, илмий ишнинг устида изланишлар олиб бориш билан бирга, ўзбек адабиёти хазинасидан муносиб ўрин эгаллаган асарларни чет тилларига таржима қилиш ишларини давом эттирайман.

Альбина ЖУМАНОВА



ҲАМЮРТЛАРИМИЗНИНГ МУНОСИБ ИШТИРОКИ

ХАБАРИНГИЗ БОР, ШУ КУНЛАРДА ЛОНДОН (БУЮК БРИТАНИЯ)ДА XIV ЁЗГИ ПАР-АЛИМПИАДА УЙИНЛАРИ ҚИЗГИН ДАВОМ ЭТАЁТИР. ДУНЁНИНГ 155 ДАВЛАТИ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТАЁТГАН МАЗКУР КАТТА СПОРТ БАЙРАМИДА ЎН НАФАР ҲАМЮРТИМИЗ ҚАТНАШМОҚДА.

Дэюдо бўйича Шариф Халилов беллашуларда муваффақиятли иштирок этиб, Ўзбекистон терма жа-

моасига кумуш медални тақдим этганлигидан хабарингиз бор. Мусобақанинг бошқа турлари бўйича ҳам спорт-

чиларимиз мутахассис ва мухлислар эътиборига тушмоқда. Жумладан, энгил атлетика баҳсларида олти нафар спортчимиз қатнашаётган бўлса, уларнинг ҳар бири муносиб кўрсаткичларни кайд этишаётди. Айниқса, урганчлик Муяссар Ибрагимованинг маҳоратини алоҳида таъкидлаш лозим. 100 метр масофага югуриш бўйича саралаш баҳсларини муваффақиятли яқунлаган спортчимиз ярим финалга йўлланмани қўлга киритди. Медаллар учун курашда эса Муяссарга бироз омад этиш-

мади. Икки нафар пауэрлифтингимиз Яшин Шобердиев ҳамда Елена Абасовалар учун мазкур Паралимпия



улоқтириш бўйича майдонга чиқди. Бугун эса ҳамюртларимиздан Миран Саҳатов уч ҳатлаб сакрашда ўз омадини синая кўрса, Равиль Диганшин ядро улоқтириш бўйича медаллар учун кураш олиб боради.

Эркин ХОЛБОБО, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАНЛОВ ЎТҚАЗИШ ТЎҒРИСИДАГИ БИЛДИРИШНОМА «UNIVERSAL KO'CHMAS MULK RELTORI» МЧЖ

томонидан ташкиллаштирилган танловга:

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси ахборот-таҳлил департаментининг 2012 йил 7 февралдаги 06-29-35-сонли йўналиш баёни ва Тошкент вилояти Бекобод тумани ҳокимининг 2012 йил 12 июлдаги 291-сонли қарорига асосан, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга, Бекобод тумани ҳудудида жойлашган қуйидаги 3 (уч) та ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи кўйилмоқда:

1. Автомобилларга сиклган газ тўлдириш станцияси қурилиши учун мўлжалланган, «Охунбобоев» кишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидан ўтган «Қорасув — Бўка — Бекобод» автомобиль йўлининг 72 км.да жойлашган, майдони 1,5 гектар бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи; Ер участкасига бўлган доимий фойдаланиш ҳуқуқининг минимал қиймати — 260629,5 сўм.
2. Автомобилларга сиклган газ тўлдириш станцияси қурилиши учун мўлжалланган, «Жумабозор» кишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидан ўтган «Қорасув — Бўка — Бекобод» автомобиль йўлининг 92 км.да жойлашган, майдони 1,1 гектар бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи;

Ер участкасига бўлган доимий фойдаланиш ҳуқуқининг минимал қиймати — 191128,3 сўм.

3. Автомобилларга газ тўлдириш станцияси қурилиши учун мўлжалланган, «Охунбобоев» кишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидан ўтган «Қорасув — Бўка — Бекобод» автомобиль йўлининг 72 км.да жойлашган, майдони 0,8 гектар бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи.

Ер участкасига бўлган доимий фойдаланиш ҳуқуқининг минимал қиймати — 139002,4 сўм.

Талабгорлар учун мажбуриятларни бажариш шакллари ва шарҳларининг бошланғич ҳажмлари:

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми. Тошкент вилояти Бекобод тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов голиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 2013 йил 30 октябргача бўлган муддатда амалга оширилиши лозим.

Танлов қатнашчиларининг тақлифлари қайд этилган конвертлар Бекобод тумани ҳокимлиги биносида 2012 йил 4 октябрь кuni соат 11-00 да очилади.

Танлов голиби 2012 йил 4 октябрь кuni соат 16-00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов натижаларига кўра аниқланади. Комиссия томонидан танлов тақлифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов голиби деб топилди.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан бюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2012 йил 3 октябрь кuni соат 18-00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун бюртманомани берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридида зақалатни зақалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Юқоридида ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2012 йил 4 октябрдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдои 2012 йилнинг 14 октябрь кuni соат 11-00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгордан бюртманомаларни қабул қилиш 2012 йил 13 октябрь соат 18-00да тўхтатилади. Такрорий танлов қатнашчиларининг тақлифлари қайд этилган конвертлар Бекобод тумани ҳокимлиги

биносида 2012 йилнинг 14 октябрь кuni соат 11-00да очилади, 2012 йилнинг 14 октябрь кuni соат 16-00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов натижалари аниқланади.

Танловда қатнашиш истагидида бўлган талабгорлар, танлов ташкилотчисининг кўрсатилган ҳисоб рақамига танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш хақининг бир баробари миқдоридидаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига бюртманомани билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган бюртманомани икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- жисмоний шахслар — паспорт нусхаси (якка тартибдаги тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига зақалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;
- танлов ҳужжатлари талабгорига мувофиқ тузилиб муҳрланган конвертда жойлаштирилган икки нусхадаги танлов тақлифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун тўловлар ва зақалат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реқвизитлари:
АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиали,
МФО 00425, СТИР 302085454, ХХТЎТ 80400.
Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш мумкин бўлган манзили: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 7-уй.
Танлов ташкилотчиси — «UNIVERSAL KO'CHMAS MULK RELTORI» МЧЖ.
Танлов ташкилотчисининг почта манзили: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 7-уй, индекс 100011.
Қўшимча маълумотлар учун телефон: (+99898) 311-51-15, электрон почта: ukmr@mail@inbox.ru.

Лицензия: RR 0066.



Оила ҳақидаги ҳикматлар

Инсон тарбияси у туғилиши ҳамона бошланади: чақалоқ ҳали гапирмайди, сўзга қўлоқ солмайди, аммо ўрғана бошлади.

Илк тарбия ҳамма нарсдан муҳим бўлиб, у шубҳасиз аёллар зиммасидадир.

Болани ақлли ва мулоҳазали қилмоқ учун уни бақувват ва соғлом ўстиринг: майли у тинмасин, югуриб-елсин, бақириб-чақирсин, ишқилиб, доимий ҳаракатда бўлсин.

Тарбия соҳасидаги энг оғир нуқсон ҳаддан ташқари шошқалоқликдир. Агар сиз болаларнинг шўхлиқларига йўл бермасангиз, унда ҳеч қачон донишмандларни тарбиялай олмайсиз.

Болалар олами учун ва истаган ёшдагилар учун ҳам гоётда зарур бўлган битта ахлоқий сабоқ борки, у ҳам бўлса ҳеч кимга ёмонлик қилмасликдир.

Яхши тарбия сифати ҳақида кўп мулоҳаза юритадилар. Тарбия деганларни гарчи яхши хислатларни ўз ичига олсада, мен ундан, энг аввало, сотқин одамни тарбияламасликни талаб этардим.

Жан Жак РУССО

Реклама

ОБ-ҲАВО 06-07 — 09. 2012

Юртимиз бўйлаб (°C)
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти

+10 / +15 +22 / +27

Бухоро ва Навоий вилоятлари

+13 / +18 +28 / +33

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари

+13 / +18 +28 / +33

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари

+13 / +18 +29 / +34

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари

+13 / +18 +27 / +32

Тошкент шаҳри

+13 / +18 +27 / +32

Дунё бўйлаб (°C)

Лондон +10 / +14

Париж +15 / +13

Москва +12 / +7

Мадрид +18 / +13

Пекин +22 / +22

Канберра +2 / +3

Рим +18 / +21

Афина +20 / +19

Токио +27 / +27

Стокгольм +12 / +13

Кейптаун +11 / +11

Қоҳира +20 / +21

Гавана +25 / +25

Вашингтон +21 / +22

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши Халқ депутатлари Юқори Чирчиқ туман Кенгаши депутати, «Нурмат ота» фермер хўжалиги раҳбари Зайлиддин Нурматовга акаси **Фахриддин НУРМАТОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

MUASSIS:
Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Murodulla ABDULLAYEV	Muslihihiddin MUHIDDINOV
Latif G'ULOMOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	Ochilboy RAMATOV
Bobir ALIMOV	Tat'yana KISTANOVA	Saidahmad RAHIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA	(Bosh muharrir o'rinbosari)	

BO'LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamiatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vakolatkorlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kutilibot — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
Г — 946
10525
nuxsada bosildi.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 22.30
Topshirilgan vaqti — 00.30
Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: **Obiddin MAHMUDOV**
Sahifalovchi-dasturchilar: **Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV**
ISSN 2000-7633
1 2 3 4 5